

Судгача бўлган  
босқич:  
қонунийликни  
таъминлашга  
нималар  
тўсқинлик қилади?



4-бет

Тан олинмаган  
17 йиллик иш  
стажи ҳисобга  
олинди



6-бет

Ғожиага  
айланган  
можаро

12-бет



Пора юзини  
қора қилган  
мактаб  
директори

12-бет



# ИНСОН ҚОНУН

**MADAD**  
Huquqiy maslahat byurosi

**Ҳуқуқий мадад**  
ҳаммага,  
ҳар доим,  
ҳамма жойда!

5-БЕТ

18 август 2020 йил / № 29-30 (1233-34)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнгги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар

буларнинг барчасини  
ўзингиз кутган  
сайтда кузатинг

@hudud24official



Ҳаёт гўзал!

ЎЗИНГИЗ ВА  
ОИЛАНГИЗНИ  
АСРАНГ!



СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

ҚУЙИДАГИ АМАЛИЁТ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ:



- гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида олиш (ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно)



- гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш



- шахс амалда ушланган пайтдан бошлаб, у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин адвокат билан холи учрашиши таъминланиши шартлигини белгилаш



- айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш



- ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиладиганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш

**А**ГАР мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари томонидан сўнгги 20 кун давомида тарқатилган ахборотлар таҳлил этилса, энг кўп ёритилган мавзулардан бири, шубҳасиз, 2020 йил 24 июль кунин Президентимиз томонидан имзоланган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисидаги мақола ва материаллар эканлиги намён бўлади. Нима учун бу Фармонга шунчалик кўп мувожаат қилинди, деган табиий савол туғилади. Гап шундаки, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон суд тизимининг мутлақо янги бир даврини бошлаб берди. Унда белгиланган вазифалар ижроси одил судловга тўсқинлик қилаётган ортқиқа бюрократик тўсиқларни олиб ташлайди. Пировард натижада жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали таъминлаш самараси ортади.

# СУДЪЯЛАР ҚОНУНЛАРНИНГ ТОЛМАС ҲИМОЯЧИЛАРИ,

Таъкидлаш керакки, айна пайтгача “Инсон ва қону” газетаси саҳифаларида ҳам ушбу Фармонда белгиланган муҳим вазифалар ҳақида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари берилди.

Лекин таҳририятимизга ҳанузгача мазкур Фармон билан боғлиқ мулоҳазалар акс этган мақолалар келишда давом этмоқда.

**Тарихий Фармон, дея эътироф этилаётган мазкур ҳужжатнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган мақолалар асосида тайёрланган куйидаги давра суҳбатини эътиборингизга тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб билдик.**



**Бобоқул ТОШЕВ,** Адлия вазирлиги хузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор:

— Айна вақтда суд ҳимоясини таъминлашдаги ортқиқа бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётганиги, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини тақдорловчи босқичлари мавжудлиги ва бошқа қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Амалиёт судларни қатъий ихтисослаштириш ва ортқиқа бюрократик ҳаракатларни қисқартириш ҳамда судларни оптималлаштириш орқали ишларни тезкорлик билан кўриб чиқадиغان, бир-бирини тақдорламайдиган ва барча бўгин судлари бир хилда фаолият юритадиган тизимни шакллантириш зарурати мавжудлигини кўрсатди.

**Биринчидан,** барча бўгиндаги судлар, яъни туман (шаҳар), вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ҳамда Олий суд фаолияти судларнинг қатъий ихтисослашувига кўра таркибан қайтадан ташкил этиладиган бўлди.

**Иккинчидан,** ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмлари жорий этилади. Бунда жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган

ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартиби белгиланади, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичи киритилади.

**Учинчидан,** Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқи берилади.

**Тўртинчидан,** суд ишларини назорат тартибда кўриш институти тугатилади. Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибда протест киритиш ҳуқуқи бекор қилинади.

**Бешинчидан,** 2021 йилнинг январь ойидан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари

бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилади. Бундан кейин вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларга бир нафар суд раиси раҳбарлик қилади. Суд раиси ўз ўринбосарларига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзига ўринбосарлар фуқаролик ишлари, жиноят ишлари ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси ҳам ҳисобланади.

Янги тартибга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида раис, унинг ўринбосари бўлиши мумкин ва бир неча судья фаолият олиб боради.



**Сурайё РАҲМОНОВА,** Судьялар олий мактабининг Жиноят ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор:

— Фармонда суд амалиётига жорий этилиши назарда тутилаётган дастлабки эшитув босқичини киритиш жиноят суди процессида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ушбу институтнинг аҳамиятини яхши тушуниш учун юридик нуқтаи назардан “дастлабки эшитув” нима, деган саволга жавоб топиш керак, деб биламан.

Дастлабки эшитув — суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти

устидан бевосита суд назорати шаклидан бири ҳисобланади. У одил судловга киришининг дебочаси бўлиб, энг муҳим тамойил — тортишув принципи асосида амалга ошириладиган процессуал жараён. Нима учун “тортишув принципи”га кўпроқ эътибор ва ургу берилаётгани сабабини биласиз: ҳақиқат баҳсларда (тортишувларда) туғилади.

Дунё тажрибасида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг бир неча шакллари мавжуд (тафтиш-қидирув, тортишув-таъминловчи, аралаш модель), бироқ улардан энг самаралиси тортишув — таъминловчи модель экани алоҳида эътироф қилинади. Нега? Мазкур босқичда барча масалалар суд муҳокамаси доирасида (яъни, дастлабки эшитув жараёнида) ҳал этилади. Яъни, юқорида айтдик, аввало, жараён тортишув шаклида олиб борилади ва бунда айбланувчи ва ҳимоячи иштироки шарт бўлади.

Энг муҳими, шу босқичнинг ўзида ишни тугатиш имконияти бор.

Набатдаги савол шундан иборатки, дастлабки эшитув суд амалиётдаги қандай оғриқли муаммоларни ҳал этади?

Жиноят-процессуал кодексда (396-модда) жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласи тартибга солинган. Бироқ айна босқич формал бўлиб, унда судья қатор ваколатларга эга бўлса-да, реал процессуал имкониятлар масаласида катта ҳуқуқий бўшлиқ бор. Ғирт ўзбекча айтсак, судьяда иложи бор-у имкон йўқ... Масалан, судья жиноят ишини ўзи фаолият юритаётган суд судловида тегишлигини аниқлади, дейлик. Энди унинг олдида жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш масаласи кўндаланг бўлади. Мана шу ерда ҳақиқий мураккаблик юзага келади. Гап шундаки, судьяда яқка тартибда (тарафлар ишти-

рокисиз!) жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатиш учун асослар бор ёки йўқлигини аниқлашнинг реал имкони деярли мавжуд эмас. Мисол учун, жиноят иши судга келиб тушган вақтда амнистия эълон қилинди ёки ишни шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатиш асослари аниқланиб қолди. Ҳар икки ҳолатда ҳам айбланувчининг ўзи ва унинг ўз айбига иқдорлиги ёзма равишда талаб этилади. Энди айтинг, судья яқка ўзи бу масалани қандай ҳал эта олади? Амалиётда шундайки, судья ишни тугатиш асоси мавжудлигини яққол кўриб турсада, ноилож бунга кўз юмиб, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлайди. Сўнг суд мажлисида — тарафлар иштирокида бу масалани ўрганиб, жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилади. Қанча овор-рағарчилик, вақт исрофини айтманг, муҳими — юқорида айтган гап: судьяда илож бўлиб, имоният бўлмаган ҳолатта ёрқин мисол шу.

2020 йил 24 июль куни Президентимиз томонидан имзоланган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон имзоланди



# АДОЛАТНИНГ МУСТАҲКАМ УСТУНЛАРИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ



**Ирода МУХАМЕДОВА,**  
жиноят ишлари  
бўйича Бектемир  
туман суди раиси:

— Жуда кўпчилиكنинг диққат-эътиборини тортган ушбу Фармон, ҳақиқатан ҳам сўнгги уч-уч ярим йилда одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ишларни сифат жиҳатидан янги бир босқичга кўтарди. Бу учун бир қатор асослар бор.

Биринчи асос, суд амалиётидаги баъзи бир муаммо ва камчиликларни бартараф этиш баробарида одил судловни таъминлаш имконини вужудга келтиради. Хусусан, суд тизимида собиқ тоталитар тузумдан эскилик сарқити бўлиб келаётган, Президентимиз таъбири билан айтганда, “ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган” назорат тартибидан ишларни кўриш” амалиётдан тўлиқ воз кечилади. Бу суд амалиётидаги ҳар қандай ишларни назорат тартибидан кўриб, янгидан қарор чиқариб, қуйи судларнинг қарорини бекор қилиш орқали уларга таъсир кўрсатишдек номақбул амалиётдан тўлиқ воз кечишига олиб келади. Табиийки, бу тартиб халқро ҳамжамият томонидан суд тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга тамойил, деб қараладиган, қолаверса,

амалиёт нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳим бўлган судьялар мустақиллигини таъминлаш имконини беради. Натижада, биз судьяларга ҳолис, қонуний ва адолатли қарор қабул қилишда ҳеч қандай босим ўтказишга йўл қўймайди.

Иккинчи асос, фуқароларнинг, нафақат фуқароларнинг, балки юридик шахсларнинг ҳам суд-ма-суд сарсон бўлишларининг олдини олиш мақсадида, ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали “бир суд — бир инстанция” тамойили жорий этилмоқда. Яъни, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибидан апелляция тартибидан кўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибидан қайта кўриб чиқиш, кассация тартибидан кўриб чиқилган ишлар

бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибидан такроран кўриб чиқиш назарда тутилмоқда. Суд ишларини назорат тартибидан кўриш институти эса тугатилмоқда. Бундай тартибнинг ўрнатилиши натижасида судда ҳар бир иш бўйича якуний тўхтамга келинади ва шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, судьяга жуда катта масъулият юклайди. У ҳар иш бўйича чиқарётган суд ҳужжатлари ҳукми, ажрим ва қарорлари ҳар томонлама асосли, қонуний бўлиш чора-тадбирларини кўради.

Кўпчилик ривожланган демократик давлатлар суд амалиёти тенденцияси шундан далolat берадики, суд ишларининг юқори инстанцияларда қайта-қайта кўрилишига йўл қўймасдан, суд қарорини бир марта кўриш билан

унга нуқта қўйишга тўғри, деб ҳисобланади.

Учинчи асос, бугунги кунда фуқароларни қийнаётган муаммолардан яна бири бу — судловга тегишлилик масаласининг ҳал қилинаётганидир.

Очигини айтиш керак, баъзи ҳолларда бу ҳам бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга мурожаат қилган инсонларнинг ҳафсаласини пир қилаётган эди. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича судлардан маъмурий судларга, маъмурий судлардан иқтисодий судларга ва ҳоказо. Фуқароларнинг судларга бўлган ишончсизлигини келтириб чиқарди. Фармонда белгиланган, вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар бирлаштирилиб, ягона умумюрисдикция судларининг ташкил этилиши юқорида қайд этилган муаммони бартараф этади.



**Акмал МИРЗАХАНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Бектемир туман суди судьяси:

— Кейинги йилларда амалга оширилган суд ҳокимияти тизимидаги тарихий ислохотлар нафақат мамлакатимиз мутахассислари, балки нуфузли халқро ташкилотлар томонидан ҳам ижобий эътирофларга сабаб бўлмоқда. Шу боис, Ўзбекистоннинг халқро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари мунтазам равишда ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Урни келганда бунга амалий мисол келтириб ўтмоқчиман. Яқинда оммавий ахборот воситалари орқали ўқиб қолдимки, “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар БМТ

нинг 6 та тилида нашр этилибди. Одатда, БМТнинг асосий мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг бўлган ёки бутун дунё ҳамжамияти ҳаётига бевосита дахлдор, деб ҳисобланган ҳужжатларгина унинг 6 та расмий тилига таржима қилинади.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 24 июль куни имзоланган Фармон ҳам моҳиятини ҳам инсон ҳуқуқларини амалда самарали таъминлаш масаласи ташкил этади.

Фармонда маъмурий одил судлов тизimini яратиш вазифаси белгиланди. Бу бежиз эмас, сабаби маъмурий судларнинг ташкил этилганига эндиgina уч йил бўлган бўлса-да, ушбу давр мобайнида уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга зарурият пайдо бўлди. Шунинг учун, маъмурий судларнинг одил судловни амалга ошириш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар ва амалий таҳлиллар амалга оширилди, илгор хорижий тажриба ва халқро стандартлар атрофлича ўрганилди. Ўрганиш натижалари кўрсатмоқдаки, 2020 йил 6 ойида 6,9 минг (2019 йилда — 16 минг) оммавий ҳуқуқий низолар кўрилган бўлиб, бу умумий ишларнинг атиги 4 фоизини ташкил этади. Фармонда белгилангандек, туман

(шаҳар) маъмурий судлари негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади. Бунда асосий эътибор нафақат судларга бўлган ташқи таъсир ва аралашувларни бартараф этишга, балки мазкур тоифадаги ишларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, бутун республика бўйича судьялар ўртасида адолатли иш ҳажмини тақсимлашга ҳам қаратилган. Жумладан, 203 та туман (шаҳар) маъмурий судлари мақбуллаштирилиб, уларнинг негизда вилоят марказларида 14 та туманлараро маъмурий судлар ташкил этилиши ҳамда мақбуллаштириш натижасида бўшаётган 150 та судья ва 150 та суд ходими штат бирликлари иш ҳажми юқори бўлган бошқа судларни тўлдиришга йўналтирилиши назарда тутилди.

Фармон ихросини таъминлаш орқали суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига эришиш, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш, пировард натижада судьялар томонидан “халқчил” қарорлар қабул қилинишига эришилади.

Ёки судья томонидан аниқланиши лозим бўлган яна бир ҳолат — жиноят ишини суд мажлисида кўриб чиқиш учун асослар етарлими, деган масалани олайлик. Ишни судда кўриш учун “барча асослар етарли” дейиш учун ўзи қандай шартлар бажарилган бўлиши зарур? Асосларнинг етарлилиги айнан нима билан белгиланади? Афсуски, қонунда ҳам, суд амалиётида ҳам бунинг ягона мезони йўқ! Судьяларимиз эса иложсизликдан “ишни судда кўриш учун тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги — ишни судда кўриш учун барча асослар етарлилигини билдиради” деган мантиққа таянадида, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қароридан айнан шундай деб баён қилади!

Буларнинг барчаси мазкур босқичнинг айрим муаммолари, дастлабки ашитув институти афзалликлари ва унга эҳтиёж қанчалик зарур эканига кичик чизгилар, ҳолос.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Фармонда суд амалиётидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган 20 дан ортиқ янги тартибларнинг ўрнатилиши мамлакатимизда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришга қаратилган.

Ягона мақсад эса, “адолатли қарор топтириш”. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим”.

Давра суҳбатини Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.





# Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

## Аккредитацияга эга бўлмаган таълим муассасасидан ўқишни кўчиришга рухсат борми?

— ЧЕТ элда ўқийман, белгиланган тартибда ўқишни кўчириш бўйича transfer.edu.uz сайти орқали ариза топширдим. Мен ўқётган хорижий таълим муассасаси аккредитацияга эга эмаслигини билиб қолдим. Қонунчиликда аккредитацияга эга бўлмаган таълим муассасасидан ўқишни кўчиришга рухсат этиладими?

— Қонунчиликка кўра, хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлмаган олий таълим муассасаларида ёки уларнинг филиалларида ўқиган фуқароларнинг ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш ҳақидаги аризасига рад жавоб бериш асос бўлиши белгиланган. Шунга асосан аризангизга рад жавоб берилиши мумкин.



## Бакалаврларга хориждан ўқишни кўчириш муддати қачон?

— ҚОЗОҒИСТОН Республикаси давлат университетида таҳсил оламан, янги ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларидан бирига ўқишимни кўчира оламанми?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига асосан “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида” Низом қабул қилинган бўлиб, унда хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишни Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш рухсат этилган. Қоида тариқасида, олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишни кўчириш бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш, ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар амалга оширилиши белгиланган. Демак, Сиз ўқишингизни белгиланган муддатда кўчириш имкониятига эасиз.



Саволларга “Мадад” ННТ етакчи мутахассиси **Маъруф ЛУКЧАЕВ** жавоб берди.

## Ўқишимни бошқа таълим муассасасига тиклашим мумкинми?

— ТОШКЕНТ давлат иқтисодиёт университети иккинчи босқичидаги якуний имтиҳонларидан ўта олмадим ва учинчи босқичга ўтказилмасдан, талабалар сафидан четлаштирилдим. Ўқишимни бошқа олий таълим муассасасига тикласам бўладими?

— Талабалар сафидан четлаштирилган фуқаролар ўқишни бошқа олий таълим муассасасига мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги)га кўчириб тиклаш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эга эканлиги ва бунда аризага ўқишни кўчириш тартибидagi ҳужжатлар тақдим этилиши белгиланган. Мазкур қоидага асосан Сиз ўқишингизни Ўзбекистондаги бошқа олий таълим муассасасига тиклашингиз мумкин.

## Магистрлар ўқишни хориждан юртимизга кўчира олмайдими?

— МЕН чет элда магистратурада ўқийман. Магистратура босқичида ўқишимни Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидаги магистратура босқичига кўчиришим мумкинми?

— “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида” Низомнинг 232-бандида хорижий олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида таҳсил олаётган талабалар ўқишни Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчирилишига рухсат этилмаслиги белгиланган. Шу сабабли Сиз ўқишингизни магистратура босқичида кўчира олмайсиз.

## Тавсиянома асосида ўқишга кирсам бўладими?

— ОТАМ ИИБ ходими бўлган, терроризмга қарши курашиш йўлида бахтсиз ҳодиса сабабли вафот этган. Терроризмга қарши курашиш йўлида ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишига кириш имтиҳонларисиз қабул қилиниши ростми?


— Рост. Қонун ҳужжатларига кўра, терроризм, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг тавсияномаси асосида белгиланган қабул квоталаридан ташқари давлат гранти асосида Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишига (иккинчи таълимдан ташқари) кириш имтиҳонларисиз қабул қилинишлари белгиланган. Шунга кўра, Сиз кириш имтиҳонларисиз қабул қилинасиз.



## Мақтабда испан тили ўргандик. Тестни эса инглиз тилида топширишим адолатданми?

— 11-синфни тамомлаб, ўқишга ҳужжат топширдим. Мақтабда биз чет тилларидан фақат испан тилини ўрганганмиз. Кириш имтиҳонларида фақат инглиз, немис ва француз тилларидангина имтиҳон бўлиши ҳақида эшитдим. Бу қанчалик адолатли?

— Умумий ўрта таълим (11-синф негизида), ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида испан, турк, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур, италян, япон тилини (инглиз, немис ва француз тиллари ўқитилмаган ҳолда) чет тили сифатида ўқиган абитуриентлар мазкур тилдан кўп балли баҳо тизими бўйича имтиҳон топширадилар, қолган фанлар бўйича эса тест синовларидан ўтишлари белгиланган. Шунга кўра, Сиз кириш имтиҳонини испан тилида топшириш имкониятига эасиз.



## Шаҳрисабзда бош шифокор ва ходим СУДГАЧА БОРДИ



ШАҲРИСАБЗ туман адлия бўлимига фуқаро Г.Ш. ариза билан муурожаат қилиб, Шаҳрисабз туман Болалар шифохонаси бош шифокорининг буйруғига асосан у билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний тартибда бекор қилинганлигини ва ишга тикланишида амалий ёрдам беришни сўраган.

Ҳолат юзасидан ўтказилган ўрганиш натижасида 2020 йил 29 январда фуқаро Ш.Г.га 54 ёшга тўлганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш хати берилганлиги ва шифохона бош врачининг 2020 йил 30 мартдаги буйруғи билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 7-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги маълум бўлди.

Вахланки, Президент Қарорига кўра, 2019 йил 1 майдан аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вуҷудда келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланиши белгилаб қўйилган. Мазкур ҳолат юзасидан туман адлия бўлими томонидан фуқаронинг манфаатини кўлаб фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманларaro судига ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун 9 575 187 сўм иш ҳақи ва 1 миллион сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

Суд жараёни давомида томонлар ўзаро келишувга эришди ва фуқаро Ш.Г. Шаҳрисабз туман Болалар шифохонаси бош шифокорининг буйруғига асосан ҳамшира ва зифасига ишга қабул қилинди.

Шухрат УЗАКОВ,  
Шаҳрисабз туман адлия бўлими бошлиғи

## Тан олинмаган 17 йиллик иш стажи ҳисобга олинди




КОНИМЕХ туман "Шўртепа" маҳалла фуқаролар йиғини Тоқмангит кишлоғида яшовчи Улмекен Кушакова пенсияга чиқиш олди-дан муаммага дуч келди. Туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан унинг 17 йиллик иш стажи пенсияга чиқаётганда ҳисобга олинмаганлиги маълум бўлди. У мазкур масалага оидинлик киритиб беришни сўраб, бўлимимизга муурожаат қилди.

Мазкур ҳолат ўрганилганда, фуқаро У.Кушакова 1983-1985 йилларда Конимех РайПОсида, 1985-1992 йилларда Конимех РПУда, 1992-2000 йилларда эса Конимех туман "Асем" ташкилотида фаолият юритгани, аммо мазкур даврларда унинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома архивга топширилмагани маълум бўлди. Зеро, айнан шу маълумотнома нафақа белгиланишида муҳим асос бўла олади.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан адлия бўлими томонидан фуқаро У.Кушакова манфаатида Конимех туман маъмурий судига киритилган ариза қаноатлантирилди. Суд Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Конимех туман бўлимининг фуқаро У.Кушакованинг меҳнат фаолиятини инобатга олмаслиқдаги хатти-ҳаракатини қонунга хилоф, деб топди ва 17 йиллик меҳнат фаолиятини иш стажига қўшиб ҳисоблашни инобатга олиш мажбуриятини юкляди.

Алишер АҲМАДОВ,  
Конимех туман адлия бўлими бош мутахассиси

## Шартнома шартлари бажарилмагач ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ПЕНЯ ТўЛАНДИ



ШАРТНОМА туздингизми, унинг шартларини ўз вақтида бажаринг. Акс ҳолда "Сирдарё таъмирлаш тиклаш хизмати" давлат унитар корхонаси каби нафақат шартномада кўрсатилган маблағни, балки қарзни қайтаришни кечиктирган кунларингиз учун пеня ҳам тўлайсиз.

Ўтган йили 31 майда тарафлар, яъни юқоридан номи зикр этилган ташкилот субпудратчи ҳамда "Emronbek qurilish" хусусий корхонаси ўртасида Ховос тумани, Бунёдкор маҳалласида жойлашган икки қаватли, олти подъездли уйни мукамал таъмирлаб бериш учун шартнома тузилган.

Шартномада кўрсатилишича, пудратчи ташкилот субпудратчига 42 470 200 сўм тўлаб берилиши керак бўлган. Аммо иш бажарилган бўлса-нда, "Сирдарё таъмирлаш тиклаш хизмати" давлат унитар корхонаси пулни тўлаб беришга шошилмайди. Шошилмайдигина эмас, нақ бир йил қўзиб юради.

Ахир иш ўз-ўзидан бажарилб қолмайди. Уни бажарган ишчиларнинг ҳам оиласи борлигини ДУК раҳбарияти ёдига тушмагани аниқ.

Тоқати тоқ бўлган субпудратчи Ховос туман адлия бўлимига муурожаат қилади. Адлия бўлими масъул ходимлари ишни ўрганиш натижасида адлия бўлими "Emronbek qurilish" хусусий корхонасининг манфаатида Оқолтин туманларaro иқтисодий судга даъво аризаси киритади.

Суд қарорига кўра, жавобгардан даъвогар фойдасига 42 470 200 сўм асосий қарз, 4 800 000 сўм пеня ундирилди.

Шу ўринда, шартнома ҳуқуқий ҳужжат экани, уни имзолаган пайтдан бошлаб масъулиятни ҳам зиммага олиш, шартларни ўз вақтида бажариш лозимлигини жисмоний ҳамда юридик шахсларга яна бир бор эслатиш лозим.

Илҳом АЛИМОВ,  
Ховос туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

## Хўжаободда БАНК ХОДИМИ ноқонуний равишда ишдан бўшатилган



БЎЛИМИМИЗГА Андижон шаҳрида яшовчи фуқаро Р.Я. Хўжаобод туманида фаолият юритувчи банк филиалида бўлим бошлиғи лавозимидда ишлаб келиб, жорий йил 23 апрелда Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 4-қисми, 2-бандига асосан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилинганлигидан норози бўлиб муурожаат қилди.

Мазкур муурожаат туман адлия бўлими ходимлари ва Давлат меҳнат

ҳуқуқ инспекторлари жалб этилган ҳолда ишчи гуруҳ тузилиб, ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида, банк филиали бошқарувчиси томонидан Р.Я.ни лавозимидан озод қилиш ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиш ҳақидаги буйруғи Меҳнат кодексига ва бошқа амалдаги меҳнат қонунчилиги-га зид равишда қабул қилинганлиги аниқланди.

Ҳолат юзасидан, бўлимимиз томонидан Р.Я.нинг манфаатида иш берувчининг буйруғини ғайриқонуний, деб топил мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманларaro судига даъво ариза киритилди.

Суд томонидан даъво ариза иш юритувга олинди, тақдим этилган ҳужжатлар тегишли тартибда ўрганиб чиқилди.

Суднинг 2020 йилнинг 11 июнь санасидаги иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосан иш берувчининг буйруғи ғайриқонуний, деб топилиб, фуқарони ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун моддий компенсация тўловларини амалга ошириш белгиланди.

Шунингдек, банк филиали бошқарувчиси суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят апелляция инстанцияга апелляция шикоят билан муурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят апелляция инстанциясининг 2020 йил 11 августдаги қарорига мувофиқ, туман адлия бўлимининг даъво аризаси маъқулланиб, биринчи инстанция судининг қарори ўз кучида қолдирилди.

Фуқаро Р.Я. иш жойига тикланиб, унга 6 миллион сўмдан зиёд мажбурий прогул кунлари учун компенсация пуллари тўлаб берилди.

Лутфулло ТУРДИҚУЛОВ,  
Хўжаобод туман адлия бўлими бошлиғи

## ИШ ҲАҚЛАРИ суд орқали ундирилди



ФУҚАРОЛАР Н.К. ҳамда Н.Б.лар иш ҳақларини ололмаётганликларидан норози бўлиб, бу радада амалий ёрдам беришни сўраб, Пайариқ туман адлия бўлимига муурожаат қилди.

Туман адлия бўлими томонидан ушбу муурожаатни ўрганиш жараёнида ҳақиқатан ҳам Пайариқ "Агро-сервис МТП" томонидан фуқаро Н.К.га 8 084 876 сўм, фуқаро Н.Б.га эса 7 179 784 сўм иш ҳақлари асоссиз равишда тўланмаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаролар Н.К. ҳамда Н.Б.ларнинг манфаатини кўлаб, уларнинг иш ҳақларини ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманларaro судига даъво аризалари киритилди.

2020 йил 19 июнда туман адлия бўлимининг мазкур аризаси суд томонидан белгиланган тартибда қўриб чиқилиб, фуқаролар Н.К. ҳамда Н.Б.ларга тўланмаган иш ҳақи бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги суд буйруқлари чиқарилиди.

Ориф ХОЛБОВЕВ,  
Пайариқ тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси



“АДЛИЯ тадбиркорга дўст” лойиҳаси бўйича Термиз туман адлия бўлими томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туманда фаолият юритаётган Н.Казакوف раҳбарлик қилаётган “Термиз универсал қурилиш” хусусий корхонасининг “Сурхондарё кўприклардан фойдаланиш” унитар корхонаси томонидан 55 миллион сўмдан ортиқ пул маблағи тўлаб берилмаётганлигидан норози

бўлиб йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.  
Мазкур мурожаатни ўрганиш давомида, ҳақиқатан ҳам “Термиз универсал қурилиш” хусусий корхонаси билан “Сурхондарё кўприклардан фойдаланиш” унитар корхонаси ўртасида тузилган ижара шартномасига мувофиқ хусусий корхона ўзига тегишли автопогрузчик LV 300 русумли автопогрузчик техникасини бир ойда 23 миллион сўмдан

## УНИТАР КОРХОНА ҚАРЗИНИ ТЎЛАШГА МАЖБУР БЎЛДИ

унитар корхонага ижара берганлиги ва тегишли тартибда ушбу техникдан унитар корхона фойдаланиб, томонлар ўртасида 2020 йил 1 май ҳолатига тузилган солиштирма далолатномага мувофиқ унитар корхонанинг хусусий

корхонаси олдида 55 миллион 646 минг 161 сўм миқдордаги кредиторлик қарздорлиги мавжуд эканлиги аниқланди.

Кредиторлик қарздорлигини ўз вақтида тўланмаганлиги натижасида тадбиркорнинг мулкчи ва шахсий ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйилган. Туман адлия бўлими томонидан Сурхондарё вилоят Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасига аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик юзасидан тақдимнома киритилиб, фуқаро Н.Казакوف раҳбарлигидаги “Термиз универсал қурилиш” хусусий корхонасига Сурхондарё кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан тегишли тартибда 55 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги кредиторлик қарздорликлари тўлаб берилиб, тадбиркорлик субъектининг қонуний ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Баҳодир АШУРОВ,  
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи



## ҚЎШИМЧА ВАЗИФА ЮКЛАТИЛГАНЛИК УЧУН ТЎЛОВ ТЎЛАНИШИ КЕРАК!

ФУҚАРО М.Х. Амурдарё тумани Халқ таълим бўлимига қарашли мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлагани, 2020 йил 13 январь кунидан мактаб директори вазифаси ҳам юклатилганлигини, лекин қўшимча ҳақ тўланмаганлигидан норозилигини билдириб, ушбу масалага аниқлик киритиб беришни сўраб туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Меҳнат кодексига биноан бажариладиган ишлар ҳажми ортаганлиги учун ходимларга қўшимча тўлов тўланиши белгиланган.

Аниқланишича, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазирининг тегишли буйруғига кўра, Амурдарё туман Халқ таълим бўлимига қарашли 53-сонли умумтаълим мактаби директори лавозимини вақтинча бажариш ушбу мактаб ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари М.Х.нинг асосий вазифасига қўшимча қилиб юклатилган.

Аммо М.Х.га қўшимча вазифа юклатилган бўлишига қарамастан, қўшимча ҳақ тўланмаган.

Амурдарё туман Халқ таълими бўлимининг 2018 йил 9 мартдаги Муассаса ходимларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишни кўчайтириш бўйича 2018-2020 йилларга тузилган Жамоа шартномасининг 50-бандида, ходимга бир неча касб ва лавозим асосида ишлаганлик, ҳизмат кўрсатиш зонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажминини кўпайтирилганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори меҳнат шартномаси томонларнинг келишувига бўйича белгиланади, лекин лавозим маош (тариф ставкаси) нинг 50 фоизидан кам бўлмаслиги кераклиги назарда тутилган бўлишига қарамастан, қўшимча вазифа юклатилганлик учун ҳақ тўланмаган.

Мурожаатни ўрганиш давомида юқорида қайд этилган хато ва камчиликларга йўл қўйилган ҳолатлар юзасидан Амурдарё тумани Халқ таълим бўлимига тақдимнома киритилди. Тақдимнома натижасида М.Х.га 2020 йил 13 январь кунидан 2020 йил 15 июнь кунигача қадар қўшимча вазифа юклатилганлик учун 5 633 100 сўм иш ҳақи ҳисобланиб, тўлаб берилди.

Жамшид БЕКИМБЕТОВ,  
Амурдарё туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

**БУХОРО** шаҳрида яшовчи фуқаро Салим Ҳожиёвнинг ўзига тегишли бўлган савдо дўкони 2017 йилда бузилганлиги, унга ҳозирга қадар компенсация тўлови амалга оширилмаганлиги баён қилиниб, бу борада амалий ёрдам кўрсатишни сўраб қилган мурожаати шаҳар адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

## ҲОЖИЁВНИНГ МУАММОСИ УЧ ЙИЛ ДЕГАНДА ҲАЛ БЎЛДИ...

Ҳақиқатан ҳам, Бухоро шаҳар Ер ва бино иншоотлар давлат кадастр хизмати томонидан 2008 йил 14 июлда берилган гувоҳномага асосан, шаҳардаги Хўжа Нуробод кўчасида жойлашган савдо дўкони фуқаро Салим Ҳожиёвга хусусий мулк сифатида тегишли бўлиб, шаҳар ҳокимининг 2008 йил 23 июндаги 841-сонли қарори ҳамда шаҳар Ер ва бино иншоотлар давлат кадастр хизматининг 2008 йил 17 июлдаги гувоҳномасига асосан, ушбу ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан унга бириктирилган.

Шунингдек, шаҳар ҳокимининг 2017 йил 23 июндаги Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида (“Шаҳристон” бозори ҳудудида) “Хунармандлар шаҳарчаси ва усти ёпиқ бозор” қуришга рухсат бериш тўғрисидаги 888-сонли қарорига асосан тасдиқланган лойиҳага биноан мазкур бозор қурилишига рухсат берилган.

Ушбу қарорнинг 4-бандига кўра, “Хунармандлар шаҳарчаси ва усти ёпиқ бозор” қуриш ишларини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар штабига давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан уй-жой эгаларига етказилган зарарларни қоплаш ҳамда турар ва нотурар жой эгаларига тенг равишда ер майдонлари ажратилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этилиши таъминлаш топширилган.

Бироқ орадан салкам 3 йил ўтган бўлишига қарамастан, фуқаро Салим Ҳожиёвга тегишли бўлган савдо дўкони бузилиши муносабати билан унга компенсация тўлаш ёки ер майдони ажратилиш чоралари кўрилмаган.

Мазкур муаммо шаҳар адлия бўлими томонидан Бухоро шаҳар Мазмурий судига киритилган даъво аризаси натижасида ижобий ҳал этилиб, Бухоро шаҳар ҳокимлиги зиммасига фуқаро Салим Ҳожиёвга олиб қўйилган ер майдонига тенг микдорда ер ажратиш мажбурияти юкланди.

Абдурахимхўжа БАҒАЕВ,  
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ХАБАРИНГИЗ бўлса, пандемия даврида жонини жабборга бериб ишлаётган тиббиёт ходимларини қўшимча рабатлантириш ва кўплаб самарали фаолиятларни ташкил этиш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди.

Хива туман адлия бўлими томонидан жорий йил июль ойида Фармоннинг ижроси юзасидан ҳудудларда мониторинг ўтказилгани ҳақида хабар берилди.

Хива туман адлия бўлими бошлиғи Равшонбек Атабаевнинг маълум қилишича, мониторинг давомида Хива туман тиббиёт бирлашмасининг коронавирус инфекция-

## Хивада коронавирусга қарши курашишга жалб этилган 22 нафар тиббиёт ходими маошсиз ишлаган



си тарқалишига қарши курашиш бўйича жалб қилинган шифокор, ҳамшира, техник ва бошқа ходимларнинг 22 нафарига жами 31.018.600 сўм пул маблағи тўлаб берилмаган.

Аниқланган ҳолат юзасидан Хива туман тиббиёт бирлашмасига тақдимнома киритилиб, коронавирус

инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича жалб қилинган шифокор, ҳамшира, техник ва бошқа ходимларнинг 22 нафарига жами 31.018.600 сўм пул маблағи тақдимнома асосида ундириб берилди.

Равшонбек АТАБАЕВ,  
Хива туман адлия бўлими бошлиғи

## Жиззахда 6 йил аввалги муаммо БАРТАРАФ ЭТИЛДИ



ФУҚАРОЛАРНИНГ ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида адлия органлари томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Жиззах шаҳар адлия бўлими томонидан ўтказилган мониторинг ва шикоятларни ўрганиш давомида 2014 йилда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан уйлар, ишлаб чиқариш ва бошқа иншоотлар бузилиши ҳамда дов-дарахтлар

кўчириб ташланиши туфайли фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарлар қопланмаганлиги аниқланди.

Унга кўра, бўлим томонидан судларга киритилган даъво аризалар асосида 2020 йилнинг 7 ойи мобайнида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига етказилган жами 1 миллиард 940 миллион сўмдан ортиқ зарарни ундириб берилиши таъминланди.

Адхам ШАЙЖИГИТОВ,  
Жиззах шаҳар адлия бўлими бошлиғи


















**МАМЛАКАТИМИЗ** ҳудудида азал-азалдан оила муқаддас саналган. Эр-хотин ўртасидаги муносабатларни белгилашнинг ҳуқуқий механизми минг йиллар аввал шаклланган. Бунга қадимги Сўғдиёна ҳудудида топилган, VIII асрга мансуб никоҳ шартномаси ҳам мисол бўла олади.

## 13 АСР АВВАЛГИ НИКОҲ ШАРТНОМАСИДА НИМАЛАР ҚАЙД ЭТИЛГАН?

Мазкур ҳужжат 1932 йилда Самарқанд яқинидан топилган бўлиб, унда Уттекин исмли турк йигити ва Дугдунча исмли сўғд қизи ўртасидаги никоҳ муносабатлари акс этади. Мазкур ҳужжат кейинчалик машҳур шарқшунос олим Владимир Лившиц томонидан нашр қилинган. Айти пайтада мазкур ҳужжат Санкт-Петербургда Россия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институтида сақланмоқда.



Мазкур шартнома икки бўлак трапециясимон териға битилган бўлиб, тахминларга кўра, 710 йил 25 март, сешанба куни битилган. Ҳужжатда қайд қилинишича, кўёвнинг исми Уттекин, лақаби Нидон бўлган. У Навекат ҳукмдори Чер Вахзанак ўғлининг васийлигидаги Дугдунча Вийус қизини (лақаби Чата) хотинликка олган. Унда Уттекин Чатани севишли хотин сифатида ҳурмат қилиши, озиқ-овқат, кийим-кечак, тақинчоқлар билан таъминлаши, севиб ардоқлаши, Чата эса Уттекинни севишли эр сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан асраши, эрининг бахт-саодати ҳақида қайғуриши, унинг буйруғига итоат қилиши лозимлиги қайд этилган.

Ҳужжатда ёзилишича, агар келажакда Уттекин Чата билан ажрашадиган бўлса, биргаликда яшаган вақтида олган шахсий нарсалари ва товон пулини бериб, ҳеч қандай шартларсиз жўнатиб юбориши, агар Чата Уттекинга бундан бўён хотин бўлмаслик қарорига келса, унда хотинликдан чиқиб кетиши, бу ҳолда Уттекинга кийишга яроқли кийимлар қолдириши, Уттекиндан олган безак тақинчоқларни ва бошқа нарсаларни ташлаб кетиши, фақат биргаликдаги кечган турмуши давомида орттирган мулкни олиб кетиши керак бўлади.

Шунингдек, Чата никоҳ бекор қилинганда, бошқа ҳеч нарса учун жавобгар бўлмайди, у ўзи хоҳлаган кишига турмушга чиқиши мумкин. Ақримдан сўнг Уттекин ва Чата бир-бирларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари


учун жавоб бермайди. Никоҳни қайд қилиш ҳақидаги ҳужжат "Қонунлар уйи"да, унинг бошлиғи ҳузурда учта эркакнинг гувоҳлигида котиб томонидан имзоланган.

Кўёвнинг келин олдидagi мажбуриятлари ҳақидаги ҳужжатда кўёв Уттекиннинг келин Чатанинг уруғ-аймоқлари олдидagi бурчлари ўз аксини топтан. Ҳужжатда кўрсатилишича, у тузилган кундан Чата тоабад Уттекинга хотин бўлиб келажакда, кўёв келин томон олдида Чатани сотмаслик, қарз эвазига қулликка бермаслик, бирор кимсанинг ҳомийлигидаги ўз мулкига айланishiга ҳам йўл қўймаслик; агар кимдир Чатани Уттекиндан бевосита ёки сиртдан тортиб олса, уни таҳрирласа, уни шу заҳотиёқ, ҳеч қандай зиён-заҳматсиз озод қилиш; агар Чата Уттекин билан қолишни хоҳламаса ёки Уттекин уни қўйиб юборса, бироқ келиннинг уруғ-аймоқларига уни зиён-заҳматсиз етказиб бермаса, у ҳолда 100 дирҳам кумуш пул тўлаши белгиланган. Агар пулни вақтида тўламаса 10 дирҳамга 2 дирҳамдан устама тўлаш мажбуриятини олган.

Бу ҳужжат бундан 13 аср олдин, ҳали ислом дини кириб келмасидан аввал ҳам Ўзбекистон ҳудудида мулкий, оила-никоҳ муносабатларини тартибга солувчи мукамал қонунлар бўлганидан, юксак ҳуқуқий маданият шаклланишидан далолат беради.

Эслайтиб ўтамиз: Ҳозирга қадар дунёда энг қадимий, деб билинаётган никоҳ шартномаси 2017 йилда ҳозирги Туркиянинг Кайсер вилояти ҳудудидан топилган бўлиб, унинг ёши тўрт минг атрофида белгиланган.

## Тилимиздаги илк ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардормисиз?



МАЪЛУМКИ, она тилимиз бир неча минг йиллик тарихга эга. Бу тилда асрлар давомида битилган кўплаб тарихий, илмий, адабий асарлар бизгача етиб келган. Таъкидлаш жоизки, бир неча аср муқаддам ўзбек (туркий) тилда битилган ҳуқуқий ҳужжатлар, васиқалар, фармонлар ва қарорлар бу тил ҳуқуқий

соҳаларда ҳам фаол қўлланганини кўрсатади. Маълумки, ўзбек тили Қорахонийлар давлатида ҳам алоҳида мақомага эга бўлган. Бу тилда жуда кўп асарлар яратилган. Шу билан бирга аҳоли ўртасида турли юридик ҳужжатларни битишда ҳам ўзбек тилининг ўрни катта бўлган. Қорахонийлар

даврга мансуб бир қатор ҳужжатлар бугунги кунда Германиядаги Берлин Фанлар академияси фондида сақланади.

Бу ҳужжатларда саналар аниқ кўрсатилмаган бўлса-да, асосан Қорахонийлар даврида (940-1040) яратилганини сезиш мумкин. Жумладан, U 5239 рақами остида сақланаётган ҳужжатда ер олди-сотдиси ҳақида сўз боради.

Маълумки, Қорахонийлар даврида ўзбек тилидаги матнларни ёзишда араб ва уйғур ёзувларидан фойдаланилган. Мазкур ҳужжат ҳам уйғур ёзувида битилган бўлиб, унда асосан тарафлар ва гувоҳлар

нинг исмлари ва уларнинг нишон (имзолари) битилган. Ҳужжатнинг якуний қисмида ўқиймиз:

"...Бу нишон мен Тулак Темурнинг ул, бу нишон мен Буян Темурнинг ул, бу нишон мен тануқ Қарайнинг-ул, бу нишон мен тануқ Темур Буқанинг ул... бу битигни мен Буян Темур ўз илгани битиyo тегинтим".

Ҳужжатдан маълум бўлишича, ушбу олди-сотди жараёнида тўрт кикши иштирок этган. Икки киши — Қарай ва Темур буқа гувоҳ сифатида қатнашган. Шартномани Буян Темур битган. Тўлак Темур эса, томонлардан бири бўлиши мумкин.

Бу каби ҳужжатлар юртимизда суд-ҳуқуқ, адлия тизими қадимдан ривожланиб келгани, шу билан бирга она тилимизнинг расмий мақоми ҳам олис тарихга эга эканини кўрсатади.



ЖИНОЯТ ОЛАМИНИНГ

## ПАКАНА "ЮЛДУЗИ"

ҲАЁТДА ўз билими, истеъдоди, куч-қудрати билан машҳурлик чўққисини забт эта олганлар жуда кўп. Аммо фақат эззулик ва қобилият эмас, балки ёвузлик ва қабоҳат ҳам мислсиз шон-шўҳрат сабабчиси бўлиши мумкинлигини ҳеч ким инкор этмайди.

Мексикалик ашаддӣ жиноятчи Хоакин Арчи-вальдо Гусман Лэора ана шундай кимсалардан биридир.

Жиноят оламида "Эль-Чапо", яъни пакана номи билан танилган бу кимсанинг бутун шон-шўҳрати, куч-қудрати ва мол-давлати бевосита гиёҳванд моддалар савдоси билан боғлиқ. У Америка қитъасида наркотрафик билан шуғулланувчи энг йирик "Синалоа" жиноий тўдасига раҳбарлик қилиб келган.

Хоакин 1957 йилда Мексиканинг Синалоа штати Бадирагуато туманига қарашли Ла Тоуна қишлоғида туғилган. Хоакиннинг уйи мактабдан анча олисда бўлгани учун бошланғич синфлардаёқ ўқини ташлаб, отасига ҳўжалик ишларига ёрдам берган. Аммо 15 ёшида уйдан аразлаб, бобосиникига кетиб қолади. Кейинчалик амакисига қўшилиб, жиноий фаолиятини бошлайди.

Уттан асрнинг 80-йилларида мексикалик йирик наркобарон Феликс Гальярдонинг шахсий ҳайдовчиси бўлиб ишлаган Хоакин кейинчалик ўз "бизнес"ига асос солади. У тузган "Синалоа" тўдаси асосан Мексикадан АҚШнинг жанубий штатларига гиёҳванд моддалар ўтказиш билан шуғулланиб келган. Қисқа вақт ичида Хоакин ўзининг жиноий фаолияти ортдан миллионлаб доллар тўплашга муваффақ бўлган.

Хоакин Гусман 1993 йилда наркотик моддаларнинг катта партияси билан Гватемала ҳудудида қўлга олинди, гиёҳванд моддалар савдоси ва бир қанча қотилликлар сабабли 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади.

Аммо ўта қаттиқ қўриқланадиган қамоқхонанинг нозирлари билан "тил топиша" олган Хоакин 2001 йилда қамоқдан қочади. Кейин эса, яширин тарзда ўз кирдикорларини давом эттира бошлайди.

Албатта, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам қараб туришмаган. АҚШ ҳукумати Хоакин ҳақида асосли маълумот бера олганлар учун 5 миллион АҚШ доллари миқдориди, Мексика расмийлари эса, 60 миллион песо (тахминан 3,5 миллион АҚШ доллар) мукофот пули ажратишган. Мексика ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари 2014 йил 22 февраль куни Хоакинни бирорта ҳам ўқ отмасдан туриб, Масатлан пляжи ёнидаги квартирасида қўлга олишган.

Бироқ Хоакин яна қамоқдан қочишининг уддасидан чиқади. 2015 йил 11 март куни Хоакин қамаб қўйилган камеранинг поли тагидан 1,5 километр узунликдаги лаҳм қазилгани маълум бўлган. Кўп ўтмай 2016 йилда уни яна қўлга олишади. 2017 йилда суд ҳўкмига биноан Хоакин АҚШга экстрадиция қилинади. Айти пайтада у умрбод қамоқ жазосига ҳўкм қилинган, шунингдек, унинг 12 миллиардлик бойлиги ҳам мусодара қилинган.

Хоакин Гусман Мексикада миллиардер Каорлос Слимдан кейинги энг машҳур таъсир доираси кенг шахс ҳисобланади.

2017 йилда мексикалик киноусталар томонидан у ҳақида "Эль Чапо" (Пакана) фильми суратта олинган.

ЕР юзида ҳаёт бошлангандан бери турли хилдаги кулфатларни инсоният ўз бошидан кечириб келмоқда ва ҳар сафар одамзот ўзининг ақл-заковати, темирдек мустаҳкам иродаси билан синовларни енгиб келган.

## Тунни кунга улаётган шифокорлар: КУРАШ УЧУН, АВВАЛО, ИШОНЧ КЕРАК!

Айни дамда дунёни ларзага солаётган пандемия ҳам вақти келиб ниҳоясига етишига ишончимиз бўлиши керак. Бугун шифокорларимиз тилсиз ёв билан мардонавор кураш олиб бормоқдалар.

Биз Каттакўрғон туманида бўлиб, бу ердан туман тиббиёт бирлашмасида бугунги синовли кунларда олиб борилаётган ишлар билан танишдик.

— Коронавирус балосини бартараф этишга пухта тайёргарлик билан киришдик, — дейди Каттакўрғон туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Манзура Асророва. — Юқумли касалликлар бўлимини капитал таъмирлаб, бу ерда 40 ўринли, “Сув омбори” қишлоқ оилавий поликлиникасида 30 ўринли, “Мойбулоқ” қишлоқ оилавий поликлиникасида 30, “Зарафшон” қишлоқ оилавий поликлиникасида 30, жами туман бўйича 130 ўрин коронавирус билан касалланган беморлар учун ҳозирланди. Бугунги кунда туманда коронавирус аниқланган беморлар сони 113 нафар, шундан даволаниб чиққан беморлар 87 нафарни ташкил этади.

Аҳолини коронавирустан асраш учун тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтирганмиз. Тумандаги 69 та маҳаллада Саломатлик маркази ходимлари билан ҳамкорликда тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Бундан икки йил аввал тумандаги мавжуд 47 898 та хонадоннинг яшаш манзили, оила аъзолари, уларнинг телефон рақамлари электрон тартибда рўйхатга олинган. Шу туфайли туманда фаолият кўрсатаётган 300 нафар потранаж ҳамширалар электрон рўйхат асосида аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турибди. Бундан ташқари, Марказий поликлиника қошида шифокорлар ва ҳамширалардан иборат 4 та мобил гуруҳ ташкил этилган. Ушбу мобил гуруҳ туну кун навбатчилик қилиб, аҳолининг ҳар бир мурожаати бўйича жойларга бориб, улардан ўз ёрдамини аямаяпти.

Туман ҳокими Аъзамхон Бахромовнинг кўмаги билан 3 дона, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ёрдами билан 2 дона Тез ёрдам машинасига

эга бўлдик. Вилоят ҳокими ташаббуси билан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатаётган потранаж ҳамшираларга 50 дона мобил телефон аппарати олиб берилди.

Бундан ташқари, ҚВГларда ҳам узлуксиз навбатчилик ташкил этилган бўлиб, мутахассислар фуқароларга онлайн маслаҳатлар бериб бормоқдалар. Зарур пайтда беморларнинг уйига бориб тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Туман ҳокимлиги томонидан 250 минг сўм маблағ ажратилиб, пандемия даврида етарли миқдорда тиббиёт ускуналари, дори-дармонлар харид қилинди. Каттакўрғон туманида ҳозирда 270 минг аҳоли истиқомат қилади. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш учун 300 ўринли марказий шифохона, 1 та Марказий поликлиника, 3 та Қишлоқ оилавий поликлиника, 9 та Қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, уларда 1266 нафар турли тоифадаги тиббиёт ходими хизмат қилади.

— Аҳволим жуда ёмон эди, шифокорларга раҳмат, мени ажал чангалидан сугуриб олишди, — дейди Андоқ қишлоғида яшовчи Фарҳод Жўраев. — Туман марказидан анча олисда, даштда яшайман. Қишлоқ оилавий поликлиникасига мурожаат қилганимдан сўнг туман марказидан Тез ёрдам келиб, мени шифохонага олиб кетишди. 3 кун иситмам тушмади. Шифокорлар ҳаётим учун курашишди. Минг бор шукри, бугун яхшиман, соғайдим.

— Иситмам кўтарилиб кетди. Дарҳол шифохонага келиб, тест топширдим. Коронавируста чалинган эканман, — дейди Пайшанба кўрғончасида яшовчи Азизбек Раупов. Матонатли шифокорларимиз туну кун ёнимда бўлишди. Бу дарддан халос бўлишим учун барча чораларни кўришди.

Бугун каттакўрғонлик шифокорлар Мустафо Абдуллаев, Маъмуржон Мелиев, Олимжон Ёқубов, Сирож Рўзиев, Абдуҳаким Жалиловлар тунни кунга улаб, одамлар саломатлиги учун курашмоқдалар. Уларга шарафли кураш йўлида ҳеч вақт толмасликларини тилаймиз.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири



**Агар шогирд шайхулислом, агар қозидир, Магар устоз андин рози — тангри розидир.**

Алишер Навоий

**НАВОИЙ** ҳазратларининг ушбу байтини ҳар гал ёдга олганимда, устозларим кўз олдидан ўтади. Бетакрор мураббий, забардаст олим, катта оила соҳиби Узоқ Бозоровнинг босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли биз — шогирдлар, авлодлар учун ҳаммиша ибратлидир.

Устоз мамлакатимизда кўп сонли юридик кадрларни тайёрлашда, уларга таълим-тарбия беришда, юридик фаннинг ривожланишида, ер ҳуқуқи, экология ҳуқуқи ва экологик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда тарғиб қилишда беқиёс хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос олим саналади.

Талабалик давридан бошлаб устозни танидик, кашф қилдик. Ички маданияти юқори, билимли, ўта вазмин, сермулоҳаза инсон олдида, очиги, кўпинча ўзимизни йўқотиб қўярди. “Ер ҳуқуқи” фанидан дарс бердилар-у, хангу-манг бўлиб қолдик. Аслида, бу фанимиз 6 ой давомида ўқитиладиган, “судья”, “прокурорлик” ишқида юрган, ўз номи билан айтганда, ҳали ғўр талабалар назарида бор-йўғи синов дафтарчасининг тегишли жойини қоралаб қўйишга хизмат қиладиган фандек эди.

Аммо ушбу фандан устоз дарсга кирдилар-у, бизларда, айтиш мумкин бўлса, “Ер ҳуқуқи” фанига, ерга, заминга, тупроққа меҳр уйғотдилар. Аслида энди-энди ўйлаб қарасак, бизларга инсонийликни, салимийликни, ҳар бир ишга меҳр-муҳаббатли бўлишни ўргатган эканлар. “Инсонда эътиқод бўлиши керак, дейдилар устоз, — касбларнинг яхши-ёмони, катта-кичиги бўлмайти, фақат унга садоқат билан, бугунги

замонавий тил билан айтганда, профессионалларча ёндашиш керак”, — деб уқтирар эди.

Дарҳақиқат, биз — шогирдлар шу қисқа фурсат давомида кўплаб устозларни кўрдик, уларнинг ҳалолу пок таълим-тарбиясини олдик, улар олдида мудом таъзимдамиз. Устозлар орасида ҳам ҳар бир шогирднинг меҳр кўйган устозлари бўлади.

Узоқ Бозорович ана шундай биз яхши кўрган, бизга меҳр бера олган, нафақат талабалик, балки кейинги мустақил ҳаёт ва илмий ишларни амалга ошириш йилларида ҳам бизларга сўз билан ифодалаш қийин бўлган, ўзбекона лутф билан айтганда, “бир нарсалар — кўп нарсалар”ни бера олган инсондир.

Эсимизда, устоз ҳам номзодлик, ҳам докторлик ишларимизда — бутун жараёнлардан воқиф бўлиб турган, сўнгги

лаҳзалар — ҳимоя пайтида ҳам ёнимизда суянчиқ бўлиб “туриб бера олган”. Гап бу ўринда дунё талаби, обрў талаби ҳусусида кетмаяпти. Ҳимоя йилларимиз баайни у кишининг Ҳукумат идораларидаги иш вақтларига тўғри келганига, вақт деб аталмиш югурик, ўта тизилган бўлишига қарамай, устоз айнан ана шу қимматли вақтни топдилар, бу билан бизнинг ҳам барча яқинларимизнинг ҳам меҳримизни қозондилар.

Устоз ўз ҳаёти ва фаолиятида адолат тамойилларига амал қилиб келмоқда, айни шу хислатлари туфайли элва эътиқодли, адолатпарвар инсон сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам таниган-билган кишилар Устозни қаерда кўришмасин, ҳурматини жойига қўядилар, офир-босиқ, ёрқин оҳангда “адолатли юрист”, деб эътироф этишади.

Умрингиз бундан ҳам зиёда бўлсин, Устоз!

**Эҳтиром билан шогирдлар номидан Миродилжон БАРАТОВ.**



МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДИЛЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган



Бош  
муҳаррир

Кўчқор  
НОРҚОБИЛ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқуллов Ахбар Жўрабоевич  
Рабиёв Шерзод Мирзахалимович  
Тоқиев Фураҳт Шомуродович  
Искандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Гулзаде Нурметова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожиев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4875  
Буюртма — V-4278

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 21:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

## IBROHIM MURATOV RAHBARLIGIDAGI UZ RISE KOMPANIYASI ЖАМОАСИ

*барча юрtdошларимизни дунё харитасидан Ўзбекистонимизнинг истиқлол байроғи билан жой олиши ва ўзбек деган номнинг дунё бўйлаб мағрур жаранглаши ҳамда Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.*



**Давлатимиз бундан ҳам гуллаб-яшнасин,  
меҳнаткаш ва мард халқимиз эзгу орзу-ният-  
ларига етсин.**

Хизматлар лицензияланган.

## DONIYOR ABDULLAYEV RAHBARLIGIDAGI “SUVOMBORQURILISH” ХК ЖАМОАСИ



Азиз юртдошлар! Сизларни энг буюк, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллиги билан самимий муборакбод этамиз. Оилангизга сизхат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака ва фаровонлик тилаймиз. Ватанимизнинг равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

Хизматлар лицензияланган.